O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
ULGURJI SAVDO KORXONALARI UYUSHMASI
O'ZULGURJISAVDOINVEST

РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН
АССОЦИАЦИЯ ПРЕДПРИЯТИЙ ОПТОВОЙ ТОРГОВЛИ
УЗУЛГУРЖИСАВДОИНВЕСТ

100021, Toshkent sh. Navoiy ko'chasi, 25
tel.: (998 71) 239-49-71
fax: (998 71) 239-13-52, 239-11-51
web sayt: www.uzsavdo.uz
e-mail: info@uzsavdo.uz

100021, г. Ташкент, ул. Навои, 25
тел.: (998 71) 239-49-71
факс.: (998 71) 239-13-52, 239-11-51
веб-сайт: www.uzsavdo.uz
e-mail: info@uzsavdo.uz

15.04.2014 й. № 24

# БУЙРУҚ

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 03.04.2014 йилдаги ПҚ-2158-сонли қарори ижросини таъминлаш бўйича ишчи гурух тузиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 3 апрел "**Иқтисодиётнинг реал секторига ахборот - коммуникация технологияларини жорий қилиш чора - тадбирлари тўғрисида**"ги ПҚ-2158-сонли қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари Давлат қўмитасининг 11.04.2014 йилдаги 17-8/2165-сонли хатида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида,

## БУЮРАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 3 апрел "**Иқтисодиётнинг реал секторига ахборот - коммуникация технологияларини жорий қилиш чора - тадбирлари тўғрисида**"ги ПҚ-2158-сонли қарори раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Мазкур қарор ижросини таъминлаш бўйича "Ўзулгуржисавдоинвест" уюшмасининг масъул ходимларидан иборат махсус Ишчи гуруҳи иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2.1.Махсус Ишчи гурух зиммасига Уюшма тизимида бошқарув жараёнини компьютерлаштириш мақсадида яратилаётган "Ҳисобот" ахборот тизими ва "Техник топшириқ" лойиҳасини ҳамкор корхона билан биргаликда ишлаб чиқиб, қарорда белгиланган муддатда ишга тушириш;

2.2. "Тармоқ-Жадвали" ва "Режа-Жадвали" лойиҳаларини **бир хафта** муддатда ишлаб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат алоқа қўмитаси билан келишилган ҳолда, Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритиш вазифалари юклатилсин.

3. Мазкур буйруқ ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

**Раис** **З.О.Файзиев**

*“Ўзулгуржисавдоинвест” уюшмасининг*
***15.04.2014 йилдаги***
***24-сонли буйругига илова***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 3 апрель “**Иқтисодиётнинг реал секторига ахборот - коммуникация технологияларини жорий қилиш чора - тадбирлари тўғрисида**”ги ПҚ-2158-сонли қарори ижросини таъминлаш бўйича “Ўзулгуржисавдоинвест” уюшмасининг

**МАХСУС ИШЧИ ГУРУҲИ**

1. Р.У.Хамидбеков - Раис ўринбосари
2. Ш.С.Асамов - Раис ўринбосари, Бош бошқарма бошлиғи
3. Н.Т.Ахмаджонов - Раис ўринбосари, Бошқарма бошлиғи
4. Е.Ш.Холматова - Бош бухгалтер
5. М.М.Миркомилов - Бўлим бошлиғи
6. Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитасининг масъул ходими